
СУДЛАР ИШТИРОКИДАГИ САЙЁР ҚАБУЛ

Фарғона вилоятининг туман ва шаҳарларида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, никоҳдан ажратиш, тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низолар ҳамда фуқароларнинг мунозафатлари купайган маҳаллалар, туманларда "Маҳаллабай" тизимда профилактика ишларини жонлантиришга қаратилган сайёр қабуллар режасининг 13-банди ижроси юзасидан Фарғона вилоят судининг судьялари А.Мадаминов, Р. Қосимов, Б.Мамадалиев ҳамда ЖИБ Риштон туман судининг раиси У. Меҳмоналиев, ФИБ Риштон туманлараро судининг судьяси М. Умаровалар иштирокида Риштон тумани "Чубурғон" МФЙ ҳудудидаги 2-сонли Касб-хунар мактаби биносида фуқаролар билан сайёр қабул ўтказилди. Шунингдек, сайёр қабулда ЖИБ Риштон туман судининг раиси У.Меҳмоналиев сунгги пайтларда қабул қилинган янги қонунлар хусусан 02.02.2022 йил кунги УРК-749-сонли Қонунининг мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка етказилди. Шунингдек, Риштон тумани Пробация гуруҳида руйхатда туриб жазо муддатини утаётган 10 нафар маҳкумлар ЖКнинг 73-моддасига асосан жазони уташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди.

2022-03-12 15:59:35